

Ёмон исмларни яхшисига алмаштириш

05:00 / 15.02.2017 4903

Мункар исмларни яхшисига ўзгартириш ҳақида ворид бўлган ривоятлар билан танишиб чиқамиз.

Оиша розийаллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон исмларни яхшисига ўзгартирар эдилар (Термизий ривояти).

Биз ҳадис таржимасида “ёмон исм” деб ифодалаган сўз аслиятда “ал-исмул қобийҳ”, яъни “қабийҳ исм” деб келтирилган. “Қабийҳ” сўзи луғатда “хунук, нафратга муносиб; Шариатда макруҳ кўриладиган; урфда инкор қилинадиган нарса” каби маъноларни билдиради. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хунук, ёмон ва салбий маъноларни ифодаловчи исмларни яхшисига ўзгартирар эдилар. Имом Нававий “Таҳзийбул асмоъ” асарида: “Мазкур маънода ворид бўлган ривоятларга кўра, ёмон исмларни яхшисига ўзгартириш мустаҳабдир”, деган. Қуртубий эса: “Ножоиз исмларни яхшисига алмаштириб суннатдир. Бас, биз ҳам бу суннатга амал қилишимиз керак”, деган фикрни билдирган.

Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бирининг исми “Асвад” (“қора”) эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни “Абяз” (“оқ”)қа ўзгартирдилар” (Ибн Ваҳб “Ал-Жомеъ”да ривоят қилган).

Аввал айтиб ўтганимиздек, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соф фитратларига мувофиқ поклик, озодалик, сарамжон-саришталик ва гўзалликни яхши кўрар эдилар. Баъзи ривоятларда келтирилишича, у зот маъноси “шайтон”, “уруш”, “зино”, “ўзини ўта улуғлаш” каби маъноларга эга бўлган исмларни бандаларга мос келадиган бошқа исмларга ўзгартирганлар. Жумладан, “Жаббор”ни “Абдулжаббор”га, “Абдулкаъба”ни “Абдурахмон”га, “Осий”ни “Мутийъ”га, “Азиз”ни “Абдурахмон”га ўзгартирганлари ҳақида ривоятлар ворид бўлган. Қуйида мана шунга ўхшаш бошқа ривоятларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Осия” исмини ўзгартирдилар ва: “Сен Жамиласан” дедилар” (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Имом Аҳмад ва Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган).

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу томонидан ривоят қилинган ушбу ҳадисда номи зикр қилинаётган “Осия” Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳунинг қизи бўлган. Имом Доримий “Сунан”да Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда “Жамила”га ўзгартирилган “Осия” исми аёлнинг куняси “Умму Осим” деб келтирилган.

“Осия” муаннас (аёллар), “Ос” эса музаккар (эркаклар) жинсига нисбатан ишлатилган. Мазкур исм “осий бўлувчи, исён қилувчи”, “Жамила” эса “чиройли, гўзал” маъносини билдиради. Жоҳилият даврида “Ос” ва “Осия” исмлари “зулмга рози бўлмайдиган; айб-камчиликларни инкор қилувчи” каби маъноларда қўлланилган. Ислом келгач, мўминлар бу исми қўйишдан қайтарилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам умматларига бу борада керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бердилар.

“Ан-Ниҳоя” китобида: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу исми ўзгартиришларига сабаб шуки, мўминнинг шиори тоат-итоатдир. Исён эса унинг зидди”, дейилган.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Зайнабнинг исми “Барро” эди. Шунда: “У ўзини улуғлаяптими?!” дейилди. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга “Зайнаб” деб исм қўйдилар” (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Ибн Можа ривояти).

Бу ривоятда номи “Барро” деб зикр қилинган аёл икки киши, биринчиси Зайнаб бинти Жаҳш (Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари), иккинчиси Зайнаб бинти Абу Салама (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тарбияларига олинган қиз)ни англатади. Ривоятларда келишича, иккала “Зайнаб”нинг исми “Барро”га бўлган. Жумладан, Имом Муслим ривоят қилган ҳадисларнинг бирида “Зайнаб бинти Жаҳшнинг исми “Барро” эди” деб айтилган. Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда эса, Зайнаб бинти Абу Саламанинг исми “Барро” бўлгани зикр қилинган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кейинчалик у иккисининг исмини “Зайнаб”га ўзгартирганлар.

“Барро” исми “улуғ, олий; ўта пок; жуда озода”, “Зайнаб” эса “тўладан келган; чиройли келишган, гўзал” маъноларини билдиради.

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Жувайрия бинти Ҳориснинг исми “Барро” эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг исмини ўзгартирдилар ва “Жувайрия” деб номладилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу ва бундан олдинги ривоятлардан маълум бўладики, Исломнинг илк даврида аёллар ўртасида “Барро” исми жуда кенг тарқалган. Бундан олдинги ривоятда Зайнаб бинти Жаҳш ва Зайнаб бинти Абу Саламаларнинг аввалги исми “Барро” бўлгани, ушбу ривоятда мўминлар онаси Жувайрия бинти Ҳориснинг ҳам аввалги исми “Барро” бўлгани айтилмоқда.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан қилган ривоятда: “Маймунанинг исми “Барро” эди” деб келтирилган. Бундан келиб чиқадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Барро” деб исмланган бир нечта аёлларнинг исмини ўзгартириб, уларни “Зайнаб” (“чиройли, гўзал”), “Жувайрия” (“Аллоҳнинг кичик хизматкори”) ва “Маймуна” (“ўнг томон соҳибаси”) деб қайтадан номлаганлар.

Усома ибн Ахдарийдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келган гуруҳлар орасида “Асром” деган киши бор эди. У зот унга қараб: “Исминг нима?” деганлар. У: “Асром”, деган. Шунда у зот: “Йўқ, сен “Зуръа”сан”, деганлар (Абу Довуд ривояти).

Ҳадис ровийси Усома ибн Ахдарий Тамим қабиласидан бўлган саҳобийдир. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ичида биргина Абу Довуд ундан ҳадис ривоят қилган.

Саккизинчи ҳижрий санада Макка мусулмонлар томонидан фатҳ қилинган, Исломнинг энг ашаддий душмани Қурайш буткул маҳв этилди, уларнинг деярли барчаси мусулмон бўлди. Энди Исломнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган жиддий куч қолмаган эди. Бу имкониятдан фойдаланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам турли ўлка ва мамлакатлар бошлиқларига мактуб йўллаб, уларни Исломга, тавҳид эътиқодига даъват қила бошладилар. Орадан бир оз вақт ўтиб, бунга жавобан турли ўлкалардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

ҳузурларига элчилар кела бошлади. Ҳижрий тўққизинчи йил “Санатул вуфуд”, яъни “Элчилар йили” деб номланди. Мазкур йилда кўплаб мамлакат ва қабилалар, жумладан Нажрон, Бани Омир, Абдулқайс, Бани Ҳанифа, Той, Кинда, Азду Шануъа ва бошқа қабила ва ўлкаларнинг элчилари келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан мулоқот олиб бордилар. Уларнинг аксарияти Исломга хайрихоҳ эканликларини маълум қилдилар, ҳатто Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида мусулмон бўлдилар.

Биз ўрганаётган ҳадисда номи зикр қилинаётган “Асром” исмли киши ҳам ана ўшандай гуруҳларнинг таркибида бўлган. Афтидан, у бирон қабила номидан элчи бўлиб келган кўринади, чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ундан исмини сўрашлари шунга далолат қилади. Сўралган саволга у: “Исмим Асром”, деб жавоб берди. “Асром” арабча сўз бўлиб, “кесилувчи, узилувчи; маҳрум бўлувчи” каби маъноларни англатади. Шу сабаб бу исм Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга маъқул келмади ва: “Йўқ, сенинг исминг “Асром” эмас, балки “Зуръа” дир,” дедилар.

“Зуръа” исми “экин экувчи, ўстирувчи, деҳқончилик қилувчи” маъносига эга.

Бошқа ривоятларда айтилишича, ҳузурларига келган гуруҳлар таркибидаги кўплаб кишиларнинг ҳам исmlарини яхшисига ўзгартирганлар. Жумладан, Той қабиласи номидан элчи бўлиб келган “Зайдулхойл” исмли киши у зотнинг ҳузурларида иймон келтиради ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бундан кейин сенинг исминг “Зайдулхайр” бўлсин”, дейдилар.

“Зайдулхойл” исми “от (чорва-ҳайвон) кўпайтирувчи”, “Зайдулхайр” эса “яхшилиқ касб қилувчи, кўп хайр-яхшилиқ қилувчи” маъносини ифодалайди.

Ибн Лаҳийъа ривоят қилади: “Бану Шайтон ибн Ҳорис ибн Муовия Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига ўз гуруҳи билан келганида, у зот: “Сизлар кимсизлар?” деб сўраганлар. Улар: “Биз “Бану Шайтон” миз”, деб жавоб беришган. Шунда у зот: “Йўқ, балки сизлар “Бану Абдуллоҳ” дирсизлар”, деганлар” (Ибн Ваҳб “Ал-Жомеъ” да ривоят қилган).

“Бану шайтон” бирикмаси “Шайтон болалари”, “Бану Абдуллоҳ” эса “Абдуллоҳнинг болалари” маъносини англатади.

Саид ибн Мусаййиб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга (яъни, бобосига): “Исминг нима?” деганлар. У: “Ҳазн”, деган. У зот: “Йўқ, сен “Саҳл”сан”, деганлар. У бўлса: “Йўқ, мен (одамлар томонидан) хўрланадиган ва оёқ ости қилинадиган “Саҳл” бўлмаيمان”, деди. Саид айтади: “Ўйлашимча, шундан сўнг бизни маҳзунлик тарк этмади”. Абу Довуд айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ос”, “Азиз”, “Атала”, “Шайтон”, “Ҳакам”, “Ғуроб”, “Ҳубоб”, “Шихоб” исмларини ўзгартирдилар ва уни “Ҳишом”, “Ҳарб”ни “Салм”, “Музтажиъ”ни “Мунбаъис”, “Афира” деб аталадиган ерни “Ҳазира”, “Шаъбуз золала”ни “Шаъбул ҳуда”, “Бану зиня”ни “Бану ришда”, “Бану Муғвия”ни “Бану Ришда” деб (қайта) номладилар” (Абу Довуд ривояти. Абу Довуд айтади: “Қисқа бўлиши учун ушбу ҳадиснинг санадини тарк қилдим”).

Саид ибн Мусаййибнинг бобоси Ҳазн ибн Абу Ваҳб ал-Қуроший билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрталарида бўлиб ўтган мулоқот ҳақида қуйидаги ҳадисларда тўхталиб ўтилади.

Абу Довуд айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ос”, “Азиз”, “Атала”, “Шайтон”, “Ҳакам”, “Ғуроб”, “Ҳубоб”, “Шихоб” исмларини ўзгартирдилар ва уни “Ҳишом”, “Ҳарб”ни “Салм”, “Музтажиъ”ни “Мунбаъис”, “Афира” деб аталадиган ерни “Ҳазира”, “Шаъбуз золала”ни “Шаъбул ҳуда”, “Бану зиня”ни “Бану ришда”, “Бану Муғвия”ни “Бану Ришда” деб (қайта) номладилар”.

Абу Довуд қисқа бўлиши, узайиб кетмаслиги учун бу ҳадис санадидаги ровийлар силсиласини тушириб қолдирганини ҳадис сўнгида айтиб ўтган.

“Ос” – “гуноҳкор”, “Азиз” – “ўта улуғ”, “Атала” – “ғализ, қўпол”, “Шайтон” – “Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлган”, “Ҳакам” – “ҳукми сўзсиз бажариладиган”, “Ғуроб” – “қарға”, “Ҳубоб” – “илон” ёки “шайтон”, “Шихоб” – “ёниб турган олов” маъноларини англатгани учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни бошқа бир исмга ўзгартирганлар.

Ривоятлардан келишича, “Ос” (исёнкор, туғёнга кетувчи) исмини “Мутийъ” (Аллоҳга итоат этувчи, бўйин эгувчи)га ўзгартирганлар. Чунки мўминнинг шиори исён эмас, балки тоат ва итоатдир. Убайдуллоҳ ривоят қилади: “Менга хабар қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ос” исми кишининг исмини ўзгартирганлар ва уни “Мутийъ” деб қайта

номлаганлар” (Ибн Ваҳб “Ал-Жомеъ” да ривоят қилган).

“Азиз” Аллоҳга тегишли сифатдир. Зеро, барча улуғлик ва буюклик Раббимиз аzza ва жаллага хосдир. Мўмин банда эса ўзини хокисор ва паст тутиши лозим.

“Атала” исми “қўпол, ғализ, дағал; золим, хусуматчи” каби маъноларни англатади. Ҳадисларнинг бирида келтирилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Утба ибн Абддан: “Исминг нима?” деб сўраганларида, у: “Исмим Атала”, деб жавоб берган. Шунда у зот: “Йўқ, сен “Утба”сан”, деганлар.

“Шайтон” Иблиснинг номларидан бўлиб, мўмин кишига бундай сифат ва исм умуман тўғри келмайди. Чунки шайтондан фарқли ўлароқ, мўмин банда доимо Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиши, ноумид бўлмаслиги керак.

“Ҳакам” эса худди “Азиз” каби фақат Аллоҳнинг сифатидир. Ер юзида Аллоҳдан ўзга ҳукми сўзсиз бажариладиган бирон жонзот ёки банда бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

“Ғуроб” сўзи “узоқлашиш, маҳрум бўлиш” ёки “қарға” маъноларини ифодалайди. “Маҳрум бўлиш” салбий маъно касб этиб, бу ҳам қайсидир маънода шайтонга оид исм. Қарға эса шундай бир зараркунанда ва ҳақир бир қушки, ҳатто киши уни эҳромдалик чоғида ҳам ўлдириш мумкин.

“Ҳубоб” захарли илон ёки ривоятларда айтилишича, шайтон исмларидан биридир. Ибн Шихобдан ривоят қилинишча, Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг исми “Ҳубоб” эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни “Абдуллоҳ”га ўзгартирдилар ва “Бу (яъни, “Ҳубоб”) шайтондир”, дедилар (Ибн Ваҳб “Ал-Жомеъ” да ривоят қилган).

Шу маънода Муҳаммад ибн Мункадирдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулга: “Исминг нима?” деганлар. У: “Ҳубоб”, деб жавоб берганида, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳубоб шайтоннинг исмидир, балки сенинг исминг “Абдуллоҳ”дир”, деганлар (Ибн Ваҳб “Ал-Жомеъ” да ривоят қилган).

Бу борада келган ривоятлардан маълум бўладики, Иблиснинг исм ва сифатларидан бўлган “Шайтон”, “Ҳубоб”, “Асром”, “Аждаъ”, “Ҳарб”, “Мурра” ва шу кабилар билан исмланиш мутлақо мумкин эмас.

Ушбу ривоятнинг аввалги қисмида ўзгартирилган исмлар келтирилган бўлса-да, улар қайси исмларга ўзгартирилгани айтилмаган. Фақат “Шиҳоб” исми “Ҳишом”га алмаштирилгани зикр қилинган. “Шиҳоб” оловдан бир бўлакдир. Олов эса Аллоҳнинг уқубати ва азоби маъносида қўлланилади. “Ҳишом” эса “майдаловчи, тақсимловчи” маъносини англатади.

Энди ривоятнинг давомини ўрганамиз:

“Ҳарб”ни “Салм”, “Музтажиъ”ни “Мунбаъис”, “Афира” деб аталадиган ерни “Ҳазира”, “Шаъбуз золала”ни “Шаъбул ҳуда”, “Бану зиня”ни “Бану ришда”, “Бану Муғвия”ни “Бану Ришда” деб (қайта) номладилар”.

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Ҳарб” (уруш)ни “Салм” (тинчлик)ка, “Музтажиъ” (уйқучи)ни “Мунбаъис” (сергак)ка, “Афира” (қақроқ, гиёҳ ўсмайдиган) деб номланадиган ерни “Ҳазира” (унумдор, ям-яшил)га, “Шаъбуз золала” (залолат халқи, залолатдаги одамлар)ни “Шаъбул ҳуда” (ҳидоятдаги одамлар)га, “Бану зиня” (зинодан туғилган болалар)ни “Бану ришда” (шаръий никоҳдан туғилган болалар)га, “Бану муғвия” (Тўғри Йўлдан оздирувчи одамлар)ни “Бану ришда” (Тўғри Йўлга бошловчи одамлар)га ўзгартирганлар.

Масруқ ривоят қилади: “Мен Умар ибн Хаттоб билан учрашиб қолдим. У: “Сен кимсан?” деди. Мен: “Масруқ ибн Аждаъман”, дедим. Шунда Умар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Аждаъ шайтондир”, деб айтганларини эшитганман”, деди” (Абу Довуд ривояти).

Ҳадис ровийси Масруқнинг тўлиқ исми Масруқ ибн Аждаъ ибн Молик ибн Умайя ибн Абдуллоҳ Абу Оиша ал-Ҳамдоний ал-Водиъийдир. У катта тобеинлардан саналади. Ишончли ҳадис ровийси. “Сихоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ундан ҳадис ривоят қилишган.

Масруқ раҳматуллоҳи алайҳ кунларнинг бирида амирул мўминин Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу билан учрашиб қолганида, Умар ундан исмини сўраган. Шунда Масруқ: “Исмим Масруқ, отамнинг исми Аждаъ”, деган. Буни эшитган Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан “Аждаъ” шайтон исмларидан бири экани ҳақида эшитганини хабар қилган. Бундан “Аждаъ” исми билан исмланиш жоиз эмас деган маъно келиб чиқади. Бошқа ривоятларда келишича, Умар розийаллоҳу анҳу унга қараб: “Масруқ ибн Аждаъ эмас, Масруқ ибн Абдурахмонсан, чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Аждаъ шайтондир”, деб айтганлари

бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Йўқ, сен “Саҳл”сан”, яъни, сенинг исми “Ҳазн” эмас, чунки бу исм ножоиз, балки исми “Саҳл” бўлсин, деганлар.

“Ҳазн” исми “қайғу, ғам, алам, маҳзунлик”, “Саҳл” исми “енгиллик, осонлик” маъноларини билдиради.

Исми “Ҳазн”дан “Саҳл”га ўзгартирилаётганига рози бўлмаган Саиднинг бобоси: “Йўқ, мен отам қўйган исми ўзгартирмайман!” деди.

Абу Довуднинг “Сунан” китобида унинг: “Йўқ, мен (одамлар томонидан) хўрланадиган ва оёқ ости қилинадиган “Саҳл” бўлмайман”, деб айтилгани ривоят қилинган.

Одатда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кимнинг исмини ўзгартирсалар, у рози бўлиб, бу нарсани қабул қилиб кетаверар эди. Лекин Ҳазн ибн Абу Ваҳб, отам қўйган “Ҳазн” исмини “Саҳл”га ўзгартирмайман, деб оёқ тираб туриб олди. Бу кутилганидек, унинг зарарига бўлиб чиқди. Саид ибн Мусаййаб айтади: “Шундан сўнг ҳалигача бизни маҳзунлик тарк этмади”.

Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бобомнинг исмини ўзгартирмоқчи бўлганларида у қаршилик кўрсатганидан бери бизни ғам, ташвиш ва хафалик тарк этмади.

Уламолар бу ердаги “маҳзунлик”ни улар оиласидаги оғирлик, машаққат ва Ҳазн авлодлари ахлоқидаги баъзи салбий жиҳатлардир деб изоҳлашган.

Саҳл (ибн Саъд) розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мунзир ибн Абу Усайд туғилганида уни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борилиб, тиззаларига қўйишди. Абу Усайд ҳам у зотнинг олдиларига ўтирди. Аммо шу орада Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима биландир чалғиб қолдилар. Шунда Абу Усайд ўғлини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларидан олишга амр қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига келиб: “Бола қани?” деб сўрадилар. Абу Усайд: “Эй Расулуллоҳ, уни манзилига елтиб қўйдик”, деди. Шунда у зот: “Унинг исми нима?” дедилар. “(Исми) фалончи”, деб жавоб берди отаси. Шунда у зот: “Балки унинг исми “Мунзир”дир”, дедилар. Ровий айтади: “Ўша куни у зот унга “Мунзир” деб исм қўйдилар” (Имом Бухорий ривояти).

Ҳадисда номи зикр қилинаётган “Мунзир” исми саҳобийнинг тўлиқ исми Мунзир ибн Абу Усайд ас-Соъидий ал-Ансорийдир. У ва отаси Абу Усайд машҳур саҳобалардан саналадилар. Мунзир ибн Абу Усайд Зубайр ибн Мунзирнинг отаси, Ҳамза ибн Абу Усайднинг туғишган биродаридир.

Одатда саҳобалардан биронтаси фарзандли бўлса, уни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борар эдилар. У зот чақалоқнинг таълагини кўтариб, унга чиройли исм қўяр (ножоиз исм қўйилган бўлса, яхшисига ўзгартар) ҳамда унинг ҳаққига дуо қилар эдилар. Имом Бухорий ривоят қилган бошқа ҳадисда айтилишича, Абу Мусо Ашъарий розийаллоҳу анҳу фарзандли бўлганида, у ҳам ўғлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига олиб борган. У зот чақалоқнинг таълагини хурмо билан кўтариб, унга “Иброҳим” деб исм қўйганлар.

Бу ривоятда Абу Усайд исми саҳобий фарзанд кўрганида уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб боргани айтилмоқда. Ўғли билан у зотнинг олдиларига киргач, Абу Усайд ҳурмат юзасидан ўғлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тиззаларига қўйди. Аммо шу орада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам нимагадир чалғиб қолдилар. Шунда Абу Усайд ўғлини у зотнинг тиззаларидан олиб, уни бу ердан олиб кетишларини буюрди. Бир оз вақт ўтгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бола қани?” деб сўрадилар. Абу Усайд уни уйига олиб кетишганини маълум қилди. Шунда у зот чақалоққа қандай исм қўйилганини сўрадилар. Унга фалон исми қўйдик, деб жавоб берди отаси.

Ҳадис матнида чақалоқнинг исми “фалончи” деб келтирилишига сабаб, ёки Абу Усайд аввалида билмай ўғлига ножоиз исм қўйиб қўйган ёки унинг аниқ исми ровийнинг ёдидан кўтарилган.

“Балки унинг исми “Мунзир” дир”.

Бундан маълум бўладики, Абу Усайд ўғлига салбий маънони ифодаловчи исм қўйган. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Усайдга танбеҳ ва таълим бериб, чақалоққа чиройли ва маънодор исм қўйдилар.

“Мунзир” исми “бандаларни Охират азобидан огоҳлантирувчи, уларни сергак ва ҳушёр бўлишга, шайтонга қул бўлиб қолмасликка чақирувчи” маъносини англатади.

Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Абза ривоят қилади: “Онам менга ривоят қилишича, унинг отаси (яъни, бобом) Ҳунайнда ўлжалар тақсимланишида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга иштирок этган. Унинг исми “Ғуроб” эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг исмини “Муслим”га ўзгартирдилар” (Абу Яъло ривояти).

Ҳадис ровийси Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Абза ал-Маккий катта табаа тобеинлардан саналади. Имом Бухорий “Ал-Адабул муфрад” да ундан ҳадис ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Ҳорис онасидан ривоят қилишича, унинг бобоси (яъни, она тарафидан бобоси) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Ҳунайн ғазотидан тушган ўлжалар тақсимланишида қатнашган экан.

Макка фатҳидан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳижрий саккизинчи йилнинг Шаввол ойида Хавозин қабиласи мусулмонларга қарши қўшин тўплаш бошлади. Бу икки қўшин Макка ва Тоиф орасида жойлашган Ҳунайн деб аталадиган водийда рўбарў келдилар. Уруш шиддатли кечди. Аммо, охир-оқибат Аллоҳнинг нусрати билан мусулмонларнинг қўли баланд келди. Ҳунайн ғазотида мисли кўрилмаган даражада кўп ўлжа тушди. Жумладан, олти минг асир, йигирма тўрт минг туя, қирқ мингдан зиёд қўй, тўрт минг уқия кумуш ва ҳоказолар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ўлжаларни Жаърона деган жойга тўплашга амр қилдилар ва ўлжа одилона тақсимланди.

Абдуллоҳ ибн Ҳориснинг бобоси ҳам шу ўлжа тақсимланишида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бўлган. У зот ундан исмини сўраганларида, у: “Ғуроб”, деб жавоб берган. Аммо бу исм у зотга хуш келмади ва: “Сенинг исминг “Муслим”дир”, деб унинг исмини ўзгартирдилар.

“Ғуроб” сўзи “узоқлашиш, маҳрум бўлиш; қарға”, “Муслим” исми “Аллоҳ таолога таслим бўлувчи, У Зотга ўзини топширувчи” маъноларини англатади.

Мусанниф: Зиёвуддин Раҳим